

## "АТ-ТУҲФАТУЗ ЗАКИЯТУ ФИЛ-ЛУҒАТИТ ТУРКИЙ" АСАРИДА ГРАММАТИКА ҚИСМИНИНГ ИСМ СЎЗ ТУРКУМИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Асранов Иброҳимжон**

*Ориентал университети*

*Араб тили лингвистика йўналиши магистранти*

**Аннотатсия:** Ушбу мақолада “Ат-туҳфатуз закиятун фил-луғатит туркий” асарида араб тили грамматикаси асосида ўзбек грамматикаси яратилиши асоси, ҳамда унда исм сўз туркуми берилиши ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** «Ат-туҳфа», луғат, атоқли ва турдош отлар, маърифа ва накра, фонетика.

«Ат-туҳфа» нинг қимматли жойи шундаки, унда луғатдан сўнг грамматик материаллар ҳам берилади. Асарнинг бу қисмини туркий тилларнинг илк грамматикаси дейиш мумкин. Туркий тил грамматикаси араб грамматикаси анъаналари асосида ўрганилади. Араб тили грамматикаси билан туркий тил грамматикаси солиштирилади. Араб тилидаги грамматик тушунчалар туркий тилда қандай ифодаланиши ҳақида маълумот берилади. Натижада амалда солиштира грамматиканинг илк намунаси пайдо бўлади.

Биринчи бўлимнинг номи маърифа ва накра (араб тили грамматикасида отларнинг аниқлик ва ноаниқлик шакллари маърифа ва накра атамаси билан номланади) деб ажратилган. Эр («эркак киши», кичи «киши», «одам», эпчи «хотин», «аёл» каби отлар ноаниқлик хусусиятига эга бўлган исмлар накрага киритилади. Аниқлик белгисига эга бўлган исмлар маърифа ҳисобланади. Уларга олмошлар, исми хос, ишорат оти, мавсуллар (аниқловчи би-рикмалар) хос эканлиги таъкидланади.

От ва унинг грамматик хусусиятлари. Сўз туркумлари араб тилшунослиги анъанасига мувофиқ исм (от), феъл ва ёрдамчи сўзларга бўлинади. Олмош, сифат, сон ҳам исмлар таркибида ўрганилади. Ҳар қайси сўз туркумининг грамматик ўрни билан мазмуний хусусиятлари ёритилади.

Бу асарда сўз туркумларининг грамматик хусусиятлари ҳақидаги бир қатор фикрлар ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

Ана шундай қимматли фикрлардан бири туркий тиллардаги кўп маъноли аффикслар масаласидир. Муаллиф бошиданок умумийлик-ўзига хослик, ўзгармас-вариант-ўзига хослик диалектикаси ҳозирги тилшуносликда еътироф етилган тил бирликларида намоён бўлишини таъкидлайди. Сўз туркумларида грамматик маъно

ифодаловчи ҳар қандай морфологик воситалар ўзи қўшилган асосий қисмнинг фонетик тузилишига кўра бир неча кўринишда намоён бўлишини кўрсатади. Масалан, ўтган замон сифатдоши -ган, -кан, -ган вариантлари орқали ясалиши ва бу вариантлардан бирининг қўлланиши феълнинг фонетик тузилишига боғлиқлиги айтилади. Масалан, кетган, келган, алган ва ҳоказо.

Ҳар қайси аффикс ҳақида гап кетганда, албатта, унинг нутқ жараёнларида турли хил вариантларда намоён бўли-шини кўрсатади.

Асарда аффиксларнинг ўзак фонетик структурасини ташкил этган товушларнинг қалин (орқа қатор) ёки ин-гичка (олд қатор)лигига мос равишда қалин ва ингичка варианты қўшилишини таъкидлаши билан туркий тиллар-нинг ўзига хос фонетик қонуни сингармонизм ҳақида дастлабки маълумот беради. Муаллиф сўзларнинг морфе-мик таркиби ҳақида фикр юритганда сўзларнинг (сўз ўзак-ларининг) қалин ва ингичкалигига изчиллик билан эъти-бор беради («Ат-тухфа», 188 ва б. бетлар).

Отлар атоқли ва турдош отларга бўлинади. Атоқли от-лар «алам» атамаси билан номланади ва бирор нарсага хослаб қўйилган сўз «алам» эканлиги айтилади (108-бет). Масалан, Аллоҳ тангри, Расул-пайғамбар, Маликкаан ва бошқ. (108-бет).

Дунё тузилиши жиҳатидан оддий ва мураккаб турларга бўлинади. Масалан, Ала буга, Кун догги, Ои догги (отлик) қўшма, Аллоҳ, Расул еса оддий (ан'анавий) аламдир.

Отларнинг сон, эгалик, келишик категориялари, кичрайтириш шакллари ҳақида маълумот берилади.

Отлар сон жиҳатдан бирлик ва кўплик зидланишига эга эканлиги ва кўплик аъзоси кўплик шаклига эгалиги, бирлик аъзоси эса бундай шаклга эга эмаслиги билан характерланиши баён қилинади.

Отларнинг бирлик-кўплик зидланиши билан олмош-ларнинг бирлик-кўплик зидланиши ўртасида катта фарқ борлиги, олмошларда кўпликнинг икки хил ифодалани-ши кўрсатилади. Жумладан, кишилик олмошларида кўплик аффиксация йўли билан эмас, балки фонетик ўзгариш йўли билан ифодаланиши айтилади. Масалан:

Эгаликнинг уч шахс бўйича махсус кўрсаткичлари мавжудлиги ва бу кўрсаткичлар бирлик ва кўплик бўйича фарқланиши баён қилинади. Буни қуйидаги парадигмада кўрсатиш мумкин.

Асарда отларнинг келишиклар билан ўзгариши ҳақида ҳам фикр юритилади ва тушум келишигининг ўзига хос хусусиятлари, бош келишик билан мўътадиллашиш ҳолат-лари ҳақида маълумот берилади. Масалан, ўтмакнун едим «нонни едим», атни миндим; қул саттим «қулни соттим», ат бардим «от бердим» ва бошқалар. Булардан дастлабки икки бирикма таркибида ҳоким бўлак орқали

ифодалан-ган ҳаракат тушган объект тушум келишиги орқали, кейингиларида ҳоким бўлак орқали ифодаланаётган ҳаракат тушган объект тушум келишиги билан эмас, балки бош келишик билан ифодаланмоқда. Натижада бош келишик билан тушум келишиги мўътадиллашмоқда (нейтрализа-цияга учрамоқда).

«Ат-туҳфа»да отларнинг кичрайтириш шакллари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилади. Қуйидаги аффикслар ёрдамида кичрайтириш маъноси ифодаланиши кўрсатилади:

1) -чук, -чук, чук, чук: отчук, кулчук, ешак, итчук.

Баъзан бу аффикслар охирида “з” шаклида қўлланиши мумкинлиги айтилади. Масалан, отқулок, отқулок ва бошқалар.

2)-чак, жак: қисинчак, исижак ва бошқалар.

3)-ча: талича "аҳмоқ", абдалча ва бошқалар.

4)-гина, -кина, гина, гина: откина, ашаккина.

Маҳмуд Кошғарий бу қўшимчанинг икки хил – камайтирувчи ва эркалаш маъносида қўлланишини, “Ат-туҳфа”да эса бу қўшимчанинг фақат кичрайтирувчи шакл сифатида берилганлигини таъкидлаган.

Асарда сонлар ҳақида ҳам «сонлар бўлими» сарлавҳаси остида анча кенг маълумот берилади («Ат-туҳфа», 126-бет).

Уларнинг тўртта даражаси мавжуд:

Бирлик (бирдан тўққизгача бўлган рақамлар): бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, бир, саккиз, тўққиз;

Ўнлар (Токсондан): ўн, йигирма, ўттуз, қирқ, эллик, отмиш, етмиш, саксон, токсон.

Йуз (йуздан минггача): йуз, икки йуз, уч йуз.

Минг (мингдан йуқори). Бир неча ўғил бор еди, кейин кўп ўғиллар келди: икки минг, уч минг, тўрт минг.

Ўнликларни билдирувчи қўшма сонларда аввал ўнликни билдирувчи сўзлар, кейин бирликлар келиши, баъзан эса бунинг акси бўлиши мумкинлиги кўрсатилган. Мисол учун, йигирма бир йигирма бирга ўхшайди. Тартиб сонлар санок сонларга -инчи, -унчи, -ланчи, ланжи аффикслари қўшилиши билан ҳосил қилиниши айтилади. Масалан, иккинчи, учунчи, дўртунчи, бечинчи, бирланжи каби.



**Фойдаланган адабиётлар:**

1. Attuhfatuz zakiyatu fillug'atit turkiya, 1968: 228с.
2. Шахматов // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907.
3. Пешковский А.М. Лингвистика. Поэтика. Стилистика. Избранные труды / сост. и науч. ред. О. В. Никитин — М.: Высшая школа, 2007 (2-е изд. М.: Наука, 2018).
4. Дурново Н.Н. и Трубецкой Н. С.: проблема евразийства в контексте «дела славистов» (по материалам ОГПУ-НКВД) // Славяноведение, 1992, № 4, с. 68—82.

